ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЭЛЛИКҚАЛЪА ТУМАНИ
ҲОКИМИ ҚАРОРИ

ӨЗБЕКИСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ
ҚАРАҚАЛПАКСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ
ЕЛЛИКҚАЛА РАЙОНЛЫҚ
ХӘКИМИ ҚАРАРЫ

Бўстон шаҳри

Бостон қаласы

№ 82/2

2020 йил «06» февраль

Элликқалъа тумани ҳудудидаги барча хўжалик юритувчи субъектларга тегишли бўлган автомототранспорт воситаларини ва тиркамаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003-йил 31-январдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган "Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низом (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 йил, 1-2-сон)га мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида" ги Қонунининг 6-моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳудудидаги барча хўжалик юритувчи субъектларга ва фуқароларга тегишли бўлган автомототранспорт воситалари ва тиркамаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш бўйича комиссияси таркиби 1-иловага мувофиқ, тумандаги корхоналар, ташкилотлар ва фуқаролар ҳисобидаги транспорт воситаларини ва тиркамаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003-йил 31-январдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган "Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 1-бўлим 5-бандининг "а" кичик бандидаги транспорт воситаларининг техник кўриги:

а) биринчи босқичда 2020 йилнинг 1 мартдан 30 июнгача;

б) иккинчи босқичда 2020 йилнинг 1 сентябрдан 31 октябргача;

в) юридик шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 2020-йилнинг 1-мартдан 30-июнгача;

г) жисмоний шахсларга тегишли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 2020 йилнинг 1 январдан 31 августгача ўтказилиши белгилансин.

3. Тумандаги барча корхона, ташкилотлар ва муассасаларнинг раҳбарлари хизматидаги траспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан сифатли ўтказишга тайёрлаш чораларини кўрсин.

4. Тумандаги барча корхона, ташкилот ва муассасалар ҳамда хусусий транспорт воситалари бўлган фуқаролар ўз транспорт воситаларини белгиланган муддатларда мажбурий техник кўрикдан ўтказишга техник томонидан соз ва яроқли аҳволда олиб келишини таъминласин.

5. Туман ҳокимининг 2019 йил 18 феврал кунги 955/2-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилиши назорат қилиш туман хокимининг ўринбосари А.Курбанбаев ва туман Ички ишлар бўлими бошлиғи Б.Избасаров зиммаларига юклатилсин.

7. Мазкур қарор “Давр кўзгуси” газетасида расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

ТУМАН ХОКИМИ **С.АВЕЗОВ**



Туман хокимининг
2020 йил 06 февралдаги
1/22-сонли қарорига
1-илова

Туманда 2019 йилда қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларни, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш
ИШ РЕЖАСИ

№	Техника номи	Техника русуми	Техник кўрикдан ўтказиш муддати	Техник кўрикдан ўтказиш манзили	Техник кўрикдан ўтказиш санаси
1	Ҳайдов тракторлари	Магнум, Орион-630, TS-135, ВТ-150, Т-60.70 ва бошқалар	09:00-16:00	Белгиланган юридик ёки жисмоний шахсга тегишли манзилда	02.06.2020 йил
2	Чопиқ тракторлари	ТТЗ-80.11, МТЗ-80, ТТЗ-100.11, Т-28х4МС1	09:00-16:00		02.03.2020 йил
3	Транспорт тракторлари	МТЗ-82, ТТЗ-80.10, Т-28х4МС1	09:00-16:00		15.06.2020 йил
4	Трактор тиркамалари	2ПТС-4-793 А	09:00-16:00		01.08.2020 йил
5	Ғалла ўриш комбайнлари	Кейс, Класс ва бошқа	09:00-16:00		10.02.2020 йил
6	Культиваторлар	КХУ-4	09:00-16:00		02.03.2020 йил
7	Мелиоратив техникалар	ЭО-652, ЭО-4111, ЭО-3211 ва бошқалар	09:00-16:00		01.06.2020 йил
8	Пахта экиш сеялкалари	Кейс, стх-4	09:00-16:00		24.02.2020 йил
9	Ер текислагич	П-4	09:00-16:00		27.02.2020 йил
10	Омочлар	ПЯ-3-35, ПОН-3+1 ва бошқалар	09:00-16:00		02.06.2020 йил
11	Чизеллар	ЧКУ-4 А	09:00-16:00		28.02.2020 йил
12	Тишли бараналар	БЗ-1,0	09:00-16:00		28.02.2020 йил
13	Пушта олгичлар		09:00-16:00		28.02.2020 йил
14	Пуркагичлар	ОВХ-600, VP-1	09:00-16:00		26.03.2020 йил
15	Минерал ўғит сепгичлар	НРУ-0,5	09:00-16:00		26.03.2020 йил
16	Ўт ўргичлар	Кир-1,5	09:00-16:00		20.04.2020 йил
17	Юклагичлар	LW-500F, XG-955H	09:00-16:00		01.06.2020 йил
18	Ғалла экиш сеялкалари	С3-3,6	09:00-16:00		10.06.2020 йил
19	Машина-трактор парклари ва устахоналарнинг асбоб-ускуналари	вд-201, 1м63н, 21н16м, тд-317, м-2888, нт-350	09:00-16:00		10.06.2020 йил

Туман ҳокимининг
2020 йил 26 февралдаги
№ 1/2 - сонли қарорига
2-илова

Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларни, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш бўйича туман комиссияси таркиби

О.Раджапов	-	Бош прокуратура ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси Элликқалъа туман бўлимининг катта инспектори, **ишчи гуруҳ раҳбари**
А.Мўминов	-	Туман "Агросервис" МТП МЧЖ раҳбари, **ишчи гуруҳ раҳбари ўринбосари**
Х.Алимов	-	Туман ИИБ бошлиғи ўринбосари, **ишчи гуруҳ раҳбари ўринбосари**

А Ъ З О Л А Р И

М.Абдуллаев	-	Туман Қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи
	-	Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши туман бўлими раиси
Р.Абдираимов	-	Туман ИИБ ЙҲХБ бошлиғи
З.Самандаров	-	АТБ "Агробанк" туман филиали бошқарувчиси
Ў.Дурдиев	-	Туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи
У.Давлетов	-	Туман Статистика бўлими бошлиғи
И.Бабажанов	-	Туман Давлат хизматлари маркази директори